

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.V.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

МАКАМОВ АБДУСАЛОМ ХАСАНБОЕВИЧ

**ЎЗАНИНГ ХРОМОСОМАСИ АЛМАШТИРИЛГАН ГЕНЕТИК
ХАРИТАЛАШ ПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
МОЛЕКУЛЯР ТАВСИФЛАШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика и биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Макамов Абдусалом Хасанбоевич

Взанинг хромосомаси алмаштирилган генетик хариталаш популяцияларини тадқиқ қилиш ва молекуляр тавсифлаш 3

Макамов Абдусалом Хасанбоевич

Исследование и молекулярная характеристика генетически картируемых хромосом-замещенных популяций хлопчатника 21

Makamov Abdusalom Khasanboevich

Research and molecular characteristics of genetically mapped chromosome-substituted cotton populations 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.V.53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГЕНОМИКА ВА БИОИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

МАКАМОВ АБДУСАЛОМ ХАСАНБОЕВИЧ

**ЎЗАНИНГ ХРОМОСОМАСИ АЛМАШТИРИЛГАН ГЕНЕТИК
ХАРИТАЛАШ ПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА
МОЛЕКУЛЯР ТАВСИФЛАШ**

03.00.14 – Геномика, протеомика и биоинформатика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/В78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Геномика ва биоинформатика марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Ризаева Сафия Мамедовна
биология фанлари доктори, профессор

Кадилова Дилбар Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий тадқиқот
институту**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; e-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, қ.-х.ф.д.

С.М. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

З.Т. Буриев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда дунё миқёсида глобал иқлимнинг ўзгариши турли биотик ва абиотик стресс омиллар таъсир майдонининг кенгайишига олиб келиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳонда энг қимматли техник экинлардан бири бўлган ғўзанинг серҳосил, тола сифати юқори, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошли бўлган янги навларини яратишда унинг тезкор селекцион дастурларига ўтиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун полиген табиатга эга бўлган белгиларни бошқарувчи миқдорий белгилар локусларини хариталаш ва уларни замонавий селекциянинг истиқболли йўналишларидан бири бўлган маркерларга асосланган селекция дастурларида қўллаш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Дунёда пахта майдонининг 95 % дан ортиқ қисмини эгаллаган ўрта толали (*G.hirsutum* L.) ғўза навлари эртапишар ва серҳосил ҳисобланади. Ингичка толали (*G.barbadense* L.) ғўза навлари энг сифатли тола маҳсулоти беради, лекин бундай навлар кечпишарлиги ва ҳосилининг пастлиги сабабли 3-5 % пахта майдонида етиштирилади. Ўрта толали ғўза навларида тола сифатини яхшилаш учун *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. ғўза турлари ўртасида турлараро дурагайлаш ишлари олиб борилиб, бир нечта янги навлар яратилган. Бироқ, турли геномларга мансуб бу турлар ўртасидаги номувофиқликлар туфайли сегрегациянинг бузилиши, рекомбинациянинг чекланиши, авлодларда бепуштликнинг рўй бериши янги линия ҳамда навлар яратиш селекцион жараёнини мураккаблаштиради. Бу ўринда хромосомаси алмаштирилган (CS-B) линияларда ингичка толали ғўзанинг бир жуфт хромосомаси ёки унинг жуфт бўлаклари мавжудлиги сабаб улар пахтачиликда тўлиқ геном даражасидаги турлараро дурагайлаш муаммоларини енгиб ўтишда қимматли ашёдир.

Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида янги, тезпишар ва серҳосил ғўза навларини яратишга эришилган. Шу ютуқлар билан бирга, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... маҳаллий тупроқ иқлим шароитларига мос навларни яратиш ва жорий қилиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юртимиз тупроқ иқлим шароитига мос, ҳосилдорлик ва тола сифати белгиларини бошқарувчи миқдорий белгилар локусларини CS-B линиялар иштирокида яратилган рекомбинант инбред линиялар популяциясида аниқлаш ва уларни селекциянинг тезкор усулларида бири бўлган маркерларга асосланган селекцияга тавсия этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сонли “2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб, бутун дунёда ғўза геномини тадқиқ этишда ДНК маркерлар технологияси самарали қўлланилмоқда. Хусусан, ғўзада тола сифати билан генетик боғланган микдорий белгилар локуслари (QTL)ни идентификация қилиш бўйича А. Reinisch (1994), J.M. Lacape (2003, 2005), X. Shen (2007), J. Wu (2009), F.D. Sun (2012), J.I. Said (2014), M. Jamshed (2016), H. Wang (2016) ва X. Fang (2017) каби хорижий олимлар фаол тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўрта ва ингичка толали ғўза турлари ўртасида турлараро дурагайлаш йўли билан рекомбинант инбред линиялар популяциялари яратилиб, уларда қимматли хўжалик белгиларига алоқадор локуслар аниқланган (J.M. Lacape 2005, 2007; P. Wang et al., 2014). Бироқ, бундай популяцияларда иккинчи тур геномининг барча хромосомалари мавжуд бўлиб, улар белги ва хусусиятларнинг ўзгаришига комплекс таъсир кўрсатади (W. Song et al., 2017). Хромосомаси бошқа турдан алмаштирилган рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяциялари ягона хромосомаларга хос бўлган қимматли хўжалик белгиларни аниқлашда муҳим ҳисобланади (S. Saha et al., 2006; J.N. Jenkins et al., 2006). Шу кунга қадар алмаштирилган ягона хромосомаларга хос бўлган РИЛ популяциялари помидор (Y. Eshed et al., 1994), шолғом (X. Li et al., 2015), маккажўхори (S.J. Szalma et al., 2007), соя (W.T.B. Thomas et al. 1995), буғдой ва шоли (S.B. Liu et al., 2006; W.Y. Zhu et al., 2009; M.L. Ali et al., 2010; W. Qiao et al., 2016) каби қишлоқ хўжалиги экинларида яратилиб, уларда кўплаб ДНК маркерлари аниқланган.

Мамлакатимиз ғўза гермоплазма коллекциялари 32580 та маданийлашган, келиб чиқиши турли минтақаларга мансуб бўлган нав ва нав намуналаридан иборат (И.Ю. Абдурахмонов 2014). И.Ю. Абдурахмонов (2008, 2009) томонидан *G.hirsutum* L. турининг келиб чиқиши бўйича 37 мамлакат ва 8 селекцион экотипга тегишли бўлган 1000 дан ортиқ нав ва нав намуналарида тола сифати белгилари молекуляр генетик таҳлил қилинган. Ўзбекистонда А. Абдукаримов, З.Т. Буриев (2010-2011), Ф.Н. Кушанов (2016, 2017), А.А. Абдуллаев (2015-2017) каби олимлар тадқиқотларида ғўзанинг кўплаб қимматли хўжалик белгиларига генетик боғланган ДНК маркерлари идентификация қилинган.

Бугунги кунга қадар ғўзада ягона хромосомага хос бўлган РИЛ популяциясини яратиш ва улар асосида қимматли хўжалик белгиларни

бошқарувчи QTL локуслар/генларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Геномика ва биоинформатика маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-Т030 “Инновацион биотехнологияларни ривожлантириш учун устувор кишлок хўжалиги экинларининг геномларини тадқиқ қилиш” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзада хромосомаси алмаштирилган популяция яратиш ва қимматли хўжалик белгиларини ДНК маркерлари асосида молекуляр тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзанинг хромосомаси алмаштирилган линиялари тўпламидан тола сифати юқори бўлган линияни танлаш ва тола сифати нисбатан паст бўлган маҳаллий АН-Боёвут-2 ғўза нави билан дурагайлаш;

олинган иккинчи авлод дурагайларининг ҳар бирини олтинчи авлодгача ягона аждод уруғдан келиб чиқиш (SSD) усулида ўз-ўзига чанглантририш йўли билан рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяциясини яратиш;

ғўзанинг ушбу РИЛ популяцияси, ота-она ва назорат генотипларини агрономик ва тола сифат белгиларини баҳолаш;

ғўза SSR (оддий такрорланувчи нуклеотидлар изчиллиги) микросателлит маркерлар тўпламидан фойдаланиб, популяция ота-она генотиплари ўртасида генетик полиморфизмни аниқлаш;

аниқланган полиморф ДНК маркерлари ёрдамида РИЛ популяциясини ПЗР усулида генотиплаш;

РИЛ популяциясини ДНК маркерлари билан тадқиқ этишдан олинган генотипик маълумотлар асосида популяциянинг генетик харитасини тузиш, улар билан агрономик ва тола сифат белгилари ўртасидаги генетик боғлиқликни аниқлаш мақсадида микдорий белгилар локусларини QTL хариталаш;

биоинформатик усуллар ёрдамида аниқланган QTL локусларнинг геном худудларидаги номзод ген ва оксилларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линияси, маҳаллий АН-Боёвут-2 ғўза нави, уларни дурагайлаш йўли билан яратилган РИЛ популяцияси ҳамда назорат ТМ-1 (*G.hirsutum* L.) ва 3-79 (*G.barbadense* L.) линияларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг микросателлит маркерлар тўпламидан фойдаланиб, агрономик ва тола сифат белгиларини молекуляр хариталаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида ғўза генетикасининг анъанавий усулларида, геномика, статистика ва биоинформатиканинг замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республика пахтачилигида ғўза геномини тадқиқ этишда хромосомаси алмаштирилган линияларни қўллаб, қимматли хўжалик белгиларни бошқарувчи QTL локуслар/генлар аниқланган;

ғўзада толанинг сифат белгилари, хусусан, тола узунлиги, пишиқлиги ва чўзилувчанлиги ҳамда агрономик белгилардан битта кўсакдаги пахта оғирлиги ва тола индекси каби белгилари билан генетик бириккан BNL1030, BNL4028, BNL1414, Gh247, BNL1317, Gh118, TMB0812, BNL3660 ва BNL0946 маркерлари аниқланган;

РИЛ популяциясида миқдорий белгилар локуслари (QTL)ни хариталаш асосида тола сифати ва агрономик белгилар билан бириккан 28 та QTL локуслари аниқланган;

аниқланган QTL локусларидан иккитаси тола сифати ва тўрттаси агрономик белгилар бўйича барқарор локуслар эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ғўзада ягона хромосомаларга хос ва генетик хилма-хилликка эга бўлган РИЛ популяцияси яратилган ҳамда уларда тола сифати ва агрономик белгилари QTL хариталаштирилган;

тола сифати ва агрономик белгилар билан генетик бириккан 28 та QTL локуслари BNL1030, BNL4028, BNL1414, Gh247, BNL1317, Gh118, TMB0812, BNL3660 ва BNL0946 маркерлари ёрдамида идентификация қилинган;

ушбу QTL локуслари билан генетик бириккан ДНК маркерлари МАС технологияси ёрдамида серхосил ва тола сифати юқори бўлган янги ғўза навларини яратишга тақдим этилган;

РИЛ популяциясидан битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 7,0-8,2 г, тола чиқими 38,0-43,2 %, тола микронейри 3,9-4,5, тола пишиқлиги 37,0-44,5 гс/текс ва тола узунлиги 1,17-1,22 дюйм бўлган йигирмадан ортиқ линиялар ажратиб олиниб, янги ғўза навларини яратишда қимматли донор линиялар сифатида фойдаланишга тақдим этилган;

РИЛ популяцияси келгусида биотик ва абиотик стресс омилларга чидамлилигини тадқиқ қилиш учун қимматли манба сифатида Геномика ва биоинформатика марказининг Ғўза гермоплазмаси бўйича ноёб объектига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланилганлиги, хусусан, популяциянинг генетик харитасини тузишда *Join Map*, миқдорий белгилар локусларини хариталашда *QTL Cartografer* ва аниқланган QTL локусларни график диаграммасини тузишда *Map Chart* компьютер дастурларидан фойдаланилганлиги, олинган агрономик ва тола сифат маълумотларини статистик қайта ишлашда *R*-статистик дастуридан фойдаланилганлиги, шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси, кўп йиллик изланишлар натижасида яратилган ғўзанинг ягона хромосомасига хос бўлган РИЛ популяцияси Геномика ва биоинформатика марказидаги Ғўза гермоплазмаси бўйича ноёб объектда сақланаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республика пахтачилигига биринчи мартаба хромосомаси алмаштирилган линияларни қўллаб, қимматли хўжалик белгиларни бошқарувчи QTL/генларни аниқлашда муҳим бўлган ва кенг генетик хилма-хилликка эга РИЛ популяциялари яратилганлиги, улардаги генетик ва фенотипик хилма-хилликлар статистик таҳлиллар асосида баҳоланганлиги, қишлоқ хўжалигида муҳим бўлган агрономик ва тола сифати белгилари билан генетик бириккан 28 та QTL-локусларини хариталаштирилганлиги, ғўза генетик харитасидан фойдаланиб маркерланган бирикиш гуруҳлари ғўзанинг қайси хромосомасига хос эканлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яратилган РИЛ популяцияси генларни хариталаштиришда қимматли манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги, идентификация қилинган ДНК маркерларининг МАС дастурига тадбиқ қилиниши натижасида, қисқа муддатларда ҳосилдор ва толаси сифати юқори бўлган янги ғўза навларини яратишнинг имкони яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзада хромосомаси алмаштирилган линия иштирокида РИЛ популяциясини яратиш ва уларда қимматли хўжалик белгиларни QTL хариталаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хромосомаси алмаштирилган (CS-B) линияларда аниқланган ва маълум бир хромосомага хос бўлган юздан ортиқ ДНК маркерлари 201405-NSF_CECS “Ғўзанинг CS-B, CS-T ва CS-M линияларида алмаштирилган хромосомаларни ДНК маркерлар ёрдамида молекуляр тасдиқлаш” лойиҳасида бошқа ғўза турларидан алмаштирилган хромосомаларни молекуляр тасдиқлаш учун фойдаланилган (АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг 2018 йил 25 майдаги маълумотномаси). Натижада ғўзанинг хромосомаси алмаштирилган CS-B (*G.barbadense*), CS-T (*G.tomentosum*) ва CS-M (*G.mustelinum*) линияларидаги алмаштирилган хромосомаларни аниқлаш имконини берган;

маълум бир хромосомаларга хос бўлган ДНК маркерлари Ф-5-31 рақамли “Моносомлари бир хил шаклга келтирилган ва тартибли рақамланган *Gossypium hirsutum* L. ғўзасининг моносом линиялари тўплами ёрдами билан маркерли генларнинг хромосомада жойлашувини аниқлаш” лойиҳасида нуқсонли хромосомаларни идентификация қилишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 89-03-2006-сон маълумотномаси). Натижада ғўзанинг моносомик линияларида нуқсонли хромосомаларни аниқлаш имконини берган;

ягона хромосомага хос бўлган РИЛ популяцияси республикада етакчи бўлган “Геном технологиялари асосида яратилган ноёб ғўза ва бошқа экинлар генофонди” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 18 майдаги 4/1255-1301-сон маълумотномаси). Натижада РИЛ популяцияси ғўза гермоплазмаси

коллекциясини бойитиш ва генетик хилма-хиллигини ошириш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида моҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Улардан 7 таси илмий мақола бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, улардан 5 таси республика, 1 таси халқаро журналда ва 1 таси ЎзР ОАК раёсати томонидан халқаро журналларда нашр этилган мақолаларга тенглаштирилган халқаро анжуманлар материалларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 90 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон пахтачилигида хромосомаси алмаштирилган (CS-B) линияларнинг қўлланиши”** мавзусидаги биринчи бобида Ўзбекистон ғўза гермоплазма коллекцияларининг яратилиши, тарихи, ғўзанинг турли линия ва навларини яратишда кенг генетик хилма-хилликка эга бўлган гермоплазманинг аҳамияти ҳақида олиб борилган тадқиқотлар ёритилган. Шунингдек, ғўзада хромосомаси алмаштирилган (CS) линияларни яратиш усули, уларнинг ғўза селекциясидаги аҳамияти, мазкур линиялар ёрдамида ягона хромосомага хос бўлган рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяциясини яратилиши ва уларни қимматли хўжалик белгиларга жавоб берувчи генларни хариталашдаги аҳамияти баён этилган. Бундан ташқари ғўза геномини тадқиқ этишда ДНК маркерларини роли хусусан, ғўзанинг генетик харитасини тузишда, генларни хромосомадаги ўрнини аниқлашда, генетик хилма-хилликни баҳолашда ва қишлоқ хўжалигидаги муҳим белгиларни хариталаш ва уларга алоқадор бўлган генларни аниқлашга бағишланган тадқиқотлар ёритилган. Шунингдек, ғўзада микдорий белгиларни хариталашда популяцияларнинг аҳамияти ва келиб чиқиши турлича бўлган популяцияларда агрономик ва тола сифати, ҳосилдорлик,

турли касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик каби белгиларни QTL хариталашга бағишланган тадқиқотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитида генетика ва геномика усуллари амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар 2012-2017 йиллар мобайнида Геномика ва биоинформатика маркази лабораторияси, Махсус уруғчилик хўжалигида олиб борилганлиги келтирилган.

Диссертация ишини бажаришда фойдаланилган ўсимлик материаллари, реагентлар ва ускуналар, ягона хромосомага хос бўлган РИЛ популяциясини яратиш усули, уларни агрономик ва тола сифати белгилари бўйича баҳолаш, ўсимлик тўқимасидан геном ДНКларни ажратиш усули, полимераза занжир реакцияси (ПЗР), гель-электрофорез, ПЗР маҳсулотини генотиплаш, ҳамда микдорий белгилар локусларини (QTL) молекуляр-генетик хариталаштириш ва статистик усулларнинг қисқача тавсифи келтирилган.


Диссертациянинг **“Ѓўзада хромосомаси алмаштирилган генетик хариталаш популяциясининг яратилиши ва унинг агрономик ҳамда тола сифат белгиларини баҳолаш”** мавзусидаги учинчи бобида ғўзада қимматли хўжалик белгиларга жавоб берувчи QTL локус/генларни хариталашда муҳим бўлган генетик хариталаш популяциясини яратиш учун ота-она шакллари танлаш, РИЛ популяциясини яратиш, уларда агрономик ва тола сифат белгиларини ўрганиш ҳамда ушбу белгиларни статистик таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида ғўзанинг хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линияси ва маҳаллий АН-Боёвут-2 нави иштирокида ягона хромосомага хос бўлган РИЛ популяциясини яратиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар келтирилган. РИЛ популяциясини яратиш учун ота-она намуналари сифатида хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линияси ва маҳаллий АН-Боёвут-2 ғўза нави танлаб олинди. Ота-она шакллари иштирокида олинган иккинчи авлод дурагайлариининг ҳар бири SSD (*ингл.* single seed descent - ягона аждод уруғдан келиб чиқиш) усулидан фойдаланиб, олтинчи авлодга қадар ўз-ўзига чанглантириш орқали ягона хромосомага хос бўлган рекомбинант инбред линиялар (РИЛ) популяцияси яратилган (1-расм).

Яратилган РИЛ популяциясининг ҳар бир линияси алмаштирилган хромосоманинг гомозиготалашган кичик рекомбинант сегментларига эга бўлиб, кенг генетик хилма-хилликни намоён этди. Бундай популяциялар алоҳида бир хромосоманинг кичик рекомбинант сегментлари билан боғлиқ бўлган сифат ва микдор белгиларни молекуляр механизмларини ўрганишда муҳим ҳисобланади.


Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида РИЛ популяциясининг агрономик белгиларини баҳолаш натижалари ёритилган. Популяциянинг ҳар бир

линиясида битта кўсаддаги пахта оғирлиги, тола узунлиги, чиқими, индекси ва 1000 та чигит оғирлиги кўрсаткичлари келтирилган.



1-расм. РИЛ популяцияни яратиш усули ва алмаштирилган хромосоманинг рекомбинант инбред линиялардаги кўриниши

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили *R-статистик* компьютер дастурида амалга оширилди (2-расм). Таҳлил натижаларига кўра, РИЛ популяцияси бу белгилар бўйича кенг генетик хилма-хилликни намоён этди. Хусусан, популяциянинг ота-она шакллари бўлган АН-Боёвут-2 (оналик шакли) нави ва CS-B22 (оталик шакли) линиясида битта кўсаддаги пахтанинг оғирлиги мос равишда 6,5 ва 6,1 г тенг бўлса, РИЛ популяциясида 6,2 г (стандарт хатолик=0,03) ташкил этди. Ушбу белгининг РИЛ популяцияси генотипларидаги минимал ва максимал кўрсаткичи 4,2-8,2 г оралиғида бўлиб, унинг ўзгарувчанлик коэффиценти 12,5 % га тенг бўлди. Популяциянинг 20 % генотипларида битта кўсаддаги пахтанинг оғирлиги 6,5-7,8 г тенг бўлган.




2-расм. Агрономик белгилар кўрсаткичининг статистик таҳлили.

А-битта кўсаддаги пахтанинг оғирлиги (грамм), Б-тола чиқими (%), В-1000 та чигит оғирлиги (грамм), Г-тола индекси (грамм), 1-РИЛ популяцияси, 2-АН-Боёвут-2, 3-CS-B22, 4-ТМ-1 (назорат) линияси, 5-3-79 (назорат) линияси.

Тола чиқими кўрсаткичи ота-она генотипларида бир-бирига яқин, яъни 34,0 ва 34,3 % га тенг бўлса, РИЛ популяциясида ушбу белги ўзгарувчанлик кўлами 27,3-43,2 %, ўртача кўрсаткичи 35,0 %, ўзгарувчанлик коэффиценти 7,9 % ни ташкил этди. 1000 дона чигит оғирлиги белгиси кўрсаткичлари РИЛ популяцияси, унинг ота-она шакллари ва назорат ТМ-1 линиясида бир-бирига яқин (120-128 г) кўрсаткичга эга бўлган бўлса, назорат 3-79 линиясида 144 г ташкил этди. Ушбу белги бўйича кенг хилма-хиллик кузатилиб, минимал ва максимал кўрсаткичлар 102,0-151,0 г ташкил этган ҳолда, ўзгарувчанлик коэффиценти 11,1 % га тенг бўлди. 1000 дона чигит оғирлиги 141-151 г оралиғида бўлган рекомбинант инбред линиялар РИЛ популяциясининг 12 % шакллари ташкил этади. Тола индекси бўйича ота-она шакллари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, 6,3 ва 6,9 г тенг бўлган. Мазкур белги бўйича РИЛ популяциясининг умумий ўртача кўрсаткичи 6,6 г ташкил этиб, реципиент АН-Боёвут-2 навиға нисбатан яхши кўрсаткични намоён этди. РИЛ популяциясида тола индексининг минимал ва максимал кўрсаткичи 3,9-9,7 г, ўзгарувчанлик коэффиценти эса 12,9 % га тенг бўлди. РИЛ популяциянинг 25 % генотипларида тола индекси 7,1-8,5 г ташкил этди.

Учинчи бобнинг учинчи бўлимида тола сифати белгиларини баҳолаш натижалари ёритилган. Тола сифати маълумотлари *R-статистик* компьютер дастурида статистик таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Тола сифат кўрсаткичларини қиёсий таҳлили.

А-тола микронейри, Б-тола пишиқлиги (гс/текс), В-тола элонгацияси (%), Г-толанинг бир хиллиги, 1-РИЛ популяцияси, 2-АН-Боёвут-2, 3-CS-B22, 4-ТМ-1 (назорат) линияси, 5-3-79 (назорат) линияси.

Тола сифати белгиларининг статистик таҳлили РИЛ популяциясида улар бўйича кенг генетик хилма-хиллик мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, тола микронейрининг РИЛ популяциясидаги минимал ва максимал кўрсаткичи 3,9-6,3 оралиғида бўлиб, ўртача кўрсаткичи 5,1 ни, ўзгарувчанлик коэффиценти

эса 8,4 % га тенг бўлди. Ушбу белги бўйича ота-она шакллари фаркланиб, кўрсаткичлар мос равишда 4,6 ва 4,2 ни ташкил этди. CS-B22 линиясида тола микронейрининг ижобий 4,2 кўрсаткичи назорат, яъни ингичка толали 3-79 линияси кўрсаткичи билан жуда яқин бўлиб, 14 % РИЛ популяциясида тола микронейри 3,9-4,5 ни ташкил этди.

Тола пишиқлиги АН-Боёвут-2 нави ва CS-B22 линиясида сезиларли даражада фаркланиб, мос равишда 33,8 ва 31,1 гс/текс кўрсаткични, РИЛ популяциясида эса умумий ўртача кўрсаткич 33,8 гс/текс, кўлами 31,6-35,6 гс/текс ва ўзгарувчанлик коэффиценти эса 9,7% ни ташкил этди. РИЛ популяциясининг 21% линияларида тола пишиқлиги 37,5-44,5 гс/текс га тенг бўлди. Шунингдек, тўқимачилик саноатида муҳим бўлган тола чўзилувчанлиги белгиси бўйича ҳам ота-она шакллари ўртасида кенг хилма-хиллик кузатилиб, АН-Боёвут-2 навида 9,5 ва CS-B22 линиясида 8,2%ни ташкил этди. Популяцияда тола чўзилувчанлигининг ўртача кўрсаткичи 8,1%, минимал ва максимал кўрсаткичи 6,1-11,8% ва ўзгарувчанлик коэффиценти эса 12,7%га тенг бўлди. Тола чўзилувчанлиги кўрсаткичи 9,5-11,8%га тенг бўлган линиялар популяциянинг 36% ини ташкил этди. Ўз навбатида толанинг бир хиллиги бўйича ота-она шакллари бир-бири билан сезиларли фаркланиб, кўрсаткич мос равишда 84,8 ва 83,5%, РИЛ популяция 82,8% бўлиб, минимал ва максимал кўлами 77,7-86,8%, ва ўзгарувчанлик коэффиценти 1,9% га тенг бўлди.

Диссертациянинг **“Ўзанинг РИЛ популяциясида QTL локусларини хариталаш ва биоинформатик таҳлиллар”** мавзусидаги тўртинчи бобида популяциянинг ота-она генотиплари ўртасида полиморф маркерларни аниқлаш ва улар ёрдамида популяция линияларини генотипик баҳолаш, популяция генетик харитасини тузиш, қимматли хўжалик белгилар билан боғлиқ бўлган QTL локусларни хариталаш ҳамда ушбу локуслар ва уларга яқин бўлган геном регионларида мавжуд номзод ген ва оқсилларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Тўртинчи бобнинг биринчи бўлими SSR микросателлитлар ёрдамида РИЛ популяцияси ота-она генотиплари ўртасида генетик полиморфизмни баҳолаш таҳлилларига бағишланган. Бунда АН-Боёвут-2 ва CS-B22 жами бўлиб, 845 та микросателлит маркерлар тўплами (BNL, CIR, JESPR, NAU, TMB, Gh, CM) билан ПЗР усулида текширилди (1-жадвал).

ПЗР таҳлили натижаси ота-она намуналарида 54 та ДНК маркери бўйича генетик полиморфизм мавжуд эканлигини кўрсатди.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида ота-она шакллари ўртасида полиморфизмни намоён этган маркерлар ёрдамида РИЛ популяциясини ПЗР усулида скрининг қилиш ва генотипик жиҳатдан баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари тасвирланган.

Ота-она шакллари ўртасида полиморфизмни намоён этган 54 та SSR микросателлит маркерлар ёрдамида РИЛ популяциясининг 93 та


рекомбинант инбред линиялари ПЗР усулида скрининг қилиб, генотипик баҳоланди (1-жадвал, 4-расм). РИЛ популяцияси линияларини полиморф маркерлар билан генотипик жиҳатдан баҳолаш амплификацияланган локусларни қайси ота ёки она генотипларидан келиб чиқишига қараб амалга оширилди.

1-жадвал.

Ота-она шаклларини ПЗР скрининг қилишда фойдаланилган SSR маркерлар.


SSR праймерлар	Амплификация бўлган праймерлар	Полиморф маркерлар	Мономорф праймерлар	Амплификация бўлмаган праймерлар
BNL	256	23	193	40
CIR	111	1	83	27
CM	16	0	13	3
Gh	48	6	33	9
JESPR	80	2	36	42
NAU	169	11	149	9
TMB	165	11	121	33
Жами	845	54	628	163

Унга кўра, РИЛ популяциясининг линияларида ҳар бир маркер ампликони оналик шакли (АН-Боёвут-2 нави) каби ампликонга эга бўлса “а” генотип, оталик шакли CS-B22 линиянинг ампликонига ўхшаш бўлса “b” – генотип, F₁ дурагай ўсимликдаги каби ҳар икки ота-она ампликони бўлса “h” – генотип, ота-она шакллари ампликонидан қисман фарқли тарзда бўлса “c” ёки “d” – генотип деб белгиланган. РИЛ популяциясини 54 та полиморф маркерлар билан ПЗР скрининг қилиниши натижасида 5022 та локус амплификацияланиб, 37,7 % “а” генотип, 48,1 % “b” – генотип, 11,5 % “h” – генотип ва 2,7 % “c” ёки “d” – генотипга эга эканлиги аниқланди.



4-Расм. РИЛ популяциясининг ТМВ-1660 полиморфик маркери ёрдамида амплификацияланган ПЗР маҳсулоти электрофореграммаси.

Мазкур бобнинг учинчи бўлимида олинган генотипик маълумотлар асосида популяциянинг генетик харитасини тузишга доир бажарилган тадқиқотлар келтириб ўтилган. РИЛ популяцияни ПЗР скрининг қилиниши натижасида жамланган генотипик маълумотлар ва *JoinMap* компьютер дастуридан фойдаланиб, популяциянинг генетик харитаси тузилди. Унга кўра, 3 та бирикиш гуруҳлари (LG-linkage group) аниқланди (5-расм).



5-расм. РИЛ популяциясининг генетик харитаси. LG1 – 9-хромосома, LG2 – 20-хромосома, LG3 – 22-хромосома.


РИЛ популяциясининг генетик харитасини тузишда фойдаланилган 54 та маркерлардан бир нечта бирикиш гуруҳлари ҳосил бўлган бўлиб, улардан LOD (*ингл.* logarithm of odds - ишонччилик даражаси) қиймати 10,0 дан юқори бўлган учтаси кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди. Мазкур бирикиш гуруҳлари 12 та маркерни ўз ичига олган бўлиб, миқдорий белгилар локусларини аниқлашда фойдаланилди.

Тўртинчи бобнинг тўртинчи бўлимида РИЛ популяциясида агрономик ва тола сифати белгилари билан боғлиқ бўлган QTL локусларини хариталаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ёритилган.

РИЛ популяциясининг генетик харитасини тузишда аниқланган бирикиш гуруҳлари ва унда жойлашган маркерлар билан бу популяцияни тадқиқ қилинишидан олинган агрономик ва тола сифат белгилари ўртасида боғлиқликни аниқлаш учун QTL локусларини хариталаш ишлари *Win QTL Cartographer* компьютер дастурида амалга оширилди. Натижада, 9 ва 20-хромосомаларда жойлашган маркерлар билан тола сифати ҳамда агрономик белгилар ўртасида жами 28та QTL локусларини аниқлашга эришилди. Ушбу QTL локуслардан 16 таси тола сифати белгилари билан, қолган 12 таси агрономик белгилар билан генетик бириккан локуслардир.

Олинган натижаларни график тасвири *MapChart* компьютер

дастури ёрдамида бажарилди. Тола сифати белгилари билан бириккан локусларнинг 11 таси 9-хромосомада ва 5 таси 20-хромосомада жойлашган. Аниқланган барча QTL локусларда LOD қиймати 4,5-13,1 гача бўлиб, уларнинг ишончлилик қиймати юқорилигини кўрсатади. 9-хромосомада жойлашган QTL локуслардан 5 таси толанинг штапель узунлиги билан, 2 таси тола чўзилувчанлиги ва 4 таси тола пишиқлиги билан бириккан бўлса, 20-хромосомада жойлашган QTL локусларнинг 2 таси толанинг штапель узунлиги билан, 2 таси тола чўзилувчанлиги ва 1 таси тола пишиқлиги билан бириккан локуслардир (6-расм).




6-расм. РИЛ популяциясида тола сифат белгилари билан генетик бириккан QTL локусларининг харитаси. Stap_FL – толанинг штапель узунлиги, Elon_a – тола чўзилувчанлиги (2015), Elon_b – тола чўзилувчанлиги (2016), FS_a – тола пишиқлиги (2015), FS_b – тола пишиқлиги (2016).

Маълум бир белгининг икки ва ундан ортиқ муҳит ҳамда йиллардаги маълумотлари хромосоманинг айнан бир регионда такрорий ҳосил қилинган QTL локуслари барқарор локуслар бўлиб, ушбу регионда ҳақиқатда ҳам мазкур белгига алоқадор генлар жойлашганлигини кўрсатади. Тадқиқотларимизда, бундай барқарор QTL локуслардан икки жуфти тола пишиқлиги ва чўзилувчанлиги белгиларининг икки йиллик маълумотлари билан ассоциацияланган BNL1317-Gh118 (LOD=6,3-7,5) ва TMB0812-BNL3660 (LOD=5,3-10,0) маркерлар оралиғида аниқланган.

Шунингдек, РИЛ популяциясида агрономик белгилар (битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги, тола чиқими, индекси ва 1000 та чигит оғирлиги)нинг QTL хариталаштириши натижасида 12 та локуслар аниқланиб, улардан 7 таси битта кўсакдаги пахта оғирлиги ва 5 таси тола индекси

белгиси билан ассоциацияланганлиги аниқланди. РИЛ популяциясида битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги белгиси билан генетик бириккан 7 та QTL локуслари мавжудлиги, улардан 6 таси 9-хромосомада ва 1 таси 20-хромосомада жойлашганлиги аниқланди (7-расм).



7-расм. РИЛ популяциясида битта кўсақдаги пахтанинг оғирлиги (BW) билан генетик бириккан QTL локусларининг харитаси.

Битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси билан генетик бириккан QTL локуслардан икки жуфти BNL1414-Gh247 (LOD=5,8-7,8) ва BNL1317-Gh113 (LOD=6,6-7,4) маркерлари оралиғида жойлашган бўлиб, улар ушбу белгининг икки йиллик (2015-2016 йй) маълумотлари билан геномнинг икки ҳудудида барқарор QTL локусларни ҳосил қилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари 9-хромосомада тола индекси белгиси билан генетик бириккан бешта QTL локуслари аниқланди. Ушбу белгини икки йиллик маълумотлари асосида хромосоманинг икки региониди BNL1414-Gh247 (LOD=3,5-7,9) ва BNL1317-Gh113 (LOD=3,6-8,4) маркерлар оралиғида икки жуфт барқарор QTL локуслар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда тола сифати ва агрономик белгилар билан генетик бириккан QTL локусларига эга ДНК маркерлари мавжудлиги хориж олимларининг маълумотларига мос келади.

Диссертациянинг **“Аниқланган QTL локуслар геном регионларида биоинформатик таҳлиллар ўтказиш”** мавзусидаги бешинчи бобида аниқланган QTL локуслар ва унинг геномдаги қўшни регионларида номзод ген ва оксилларни аниқлашга бағишланган тадқиқотлар ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида хўжалик қимматли белгиларга генетик бириккан ДНК маркерлари ва *G.hirsutum* L. ғўза геноми маълумотлар базасидан фойдаланиб, *In silico* PCR усулида тегишли маркерни локуслари амплификация қилинганлиги баён қилинган. ДНК

маркер локусларини *In silico PCR* усулида амплификация қилишда UGENE 1.20.0 компьютер дастури, *G.hirsutum* L. ғўза геноми маълумотлар базаси ва ҳар бир маркернинг тўғри ҳамда тесқари йўналувчи нуклеотидлар кетма-кетлиги маълумотлари ёрдамида амалга оширилади. Тадқиқотда тола сифати ва агрономик белгилар билан генетик бириккан 9 та ДНК маркерлардан фойдаланиб, уларнинг ғўза геноми маълумотлар базасидаги локуслари ва ушбу локусларга икки ён томонидан қўшни бўлган 50 мингдан нуклеотид кетма-кетлиги, жами бўлиб 100 мингдан ортиқ нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида ҳар бир маркер бўйича олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги маълумотлари AUGUSTUS ва BLAST веб-дастурлари ёрдамида таҳлил қилиниб, номзод ген ва оқсилларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган. Ушбу бўлимда QTL локусларни аниқлашда иштирок этган ҳар бир маркернинг ғўза геномидан олинган 100 мингдан ортиқ нуклеотидлар кетма-кетлиги маълумотлари AUGUSTUS деб номланган веб-дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Унга кўра, 8 та маркернинг 114 та номзод ген ва оқсилларга боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ушбу бобнинг учинчи бўлимида аниқланган номзод ген ва оқсилларни тавсифлаш натижалари баён қилинган. Тадқиқотда қимматли хўжалик белгилари билан бириккан ДНК маркерлари ва уларнинг геномдаги ҳудудларида ҳақиқатдан ҳам муҳим ген ва оқсиллар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, BNL0946 маркерининг геномдаги қўшни ҳудуд нуклеотидлари таҳлил қилинганда, ушбу ҳудудда бешта ген мавжуд эканлиги аниқланди. Ўз навбатида ушбу генлар BLAST маълумотлар базасидан фойдаланиб таҳлил қилинганда, улардан бири тола ривожланишида аҳамиятли бўлган “Annexin Protein” оқсилни кодлаши маълум бўлди. Анексин оқсили тола элонгациясига таъсир этиб, иккиламчи ҳужайра девори биосинтезида иштирок этади. Бундан ташқари, анексинлар калций ва эркин фосфолипидлар билан боғланиб, цитоскелетни шакллантиришда иштирок этади. Шунингдек, ушбу ҳудудда тола элонгациясида муҳим бўлган “LIM domain-containing protein (GhWLIM5)” оқсил аниқланиб, бу оқсил Li (2015) ва бошқаларга кўра, ҳужайра цитоскелетида жойлашган бўлиб, актин филамент (F-актин) оқсиллари микдорини ўзгартириш орқали тола элонгациясига таъсир этиши аниқланди. Бундан ташқари, BNL1317 маркернинг геном ҳудудида аниқланган оқсиллардан бири “oxysterol-binding protein-related protein 3A-like (OSBPs)” 3A-оқселига ўхшаган оксистерол-боғловчи оқсил бўлиб, уларнинг модел ўсимлик Арабидопсисда 12 хил тури мавжуд. Ушбу оқсиллар поя, илдиз, барг, ниҳол ва гул чангида экспрессияланиб, ҳужайра дифференциацияси, сигнал каскади, липид сезувчанлик ва ҳужайралараро стерол тақсимланишини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, BNL1414 маркерининг геном ҳудида гул чангига хос оқсиллардан бири “pollen-specific leucine-rich repeat extensin-like protein” экстенсинга ўхшаш

лейцин такрорларига бой чанг специфик оксил аниқланди. Арабидопсис ўсимлигида ушбу оксилнинг икки хил шакли FEI1 ва FEI2 мавжуд бўлиб, улар илдиз учи элонгациясида целлюлоза тўплаш орқали муҳим вазифа бажариши кўрсатилган (S. Harpaz-Saad et al., 2011, S.L. Xu et al., 2008).

Тадқиқотда тола сифати ва агрономик белгиларга генетик бириккан ДНК маркерлари келажакда маркерларга асосланган селекция (МАС) усулида серҳосил ва тола сифати юқори бўлган ғўзанинг янги навларини яратишда қимматли қурилма сифатида қўлланилади. Шунингдек, ғўзанинг РИЛ популяцияси биотик ва абиотик стресс омилларга чидамлик генларини хариталашда муҳим материаллар сифатида фойдаланилади.

ХУЛОСАЛАР

«Ќўзанинг хромосомаси алмаштирилган генетик хариталаш популяцияларини тадқиқ қилиш ва молекуляр тавсифлаш» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ќўзанинг хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линияси ва АН-Боёвут-2 нави дурагайлари асосида яратилган РИЛ популяцияси ота-она шаклларига нисбатан тола сифати ва агрономик белгилар бўйича кенг полиморфизмга эга бўлди.

2. РИЛ популяциясининг ота-она шакллари ўртасидаги генетик полиморфизм ғўза геномига хос бўлган 845 та микросателлит маркерлар билан текшириш асосида 54 та маркер полиморф эканлиги тасдиқланди.

3. Полиморф маркерлар ёрдамида РИЛ популяциясини ПЗР усулида генотиплаш орқали 5022 та локуслар амплификацияланди ва популяциянинг генетик харитаси тузилди.

4. РИЛ популяциянинг тузилган генетик харитасига кўра, LOD (ишонччилик коэффициенти) қиймати 10.0 дан юқори бўлган 3 та бирикиш гуруҳлари аниқланиб, улар билан агрономик ва тола сифат белгилари ўртасида генетик боғлиқликни тадқиқ қилиш асосида 28 та QTL локуслари мавжуд эканлиги очиб берилди.

5. QTL локусларининг геном ҳудудларида тола ривожланишида иштирок этувчи ва унинг сифатини белгилашда муҳим бўлган номзод генлар аниқланди.

6. Тола сифати ва агрономик белгиларга генетик бириккан ДНК маркерлари ушбу белгиларни маркерларга асосланган селекция (МАС) усулида яхшилаш учун тавсия этилади.

7. Яратилган РИЛ популяцияси биотик ва абиотик стресс омилларга чидамликни молекуляр тадқиқ этиш учун қимматли манба сифатида тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.29.08.2017.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ЦЕНТР ГЕНОМИКИ И БИОИНФОРМАТИКИ

МАКАМОВ АБДУСАЛОМ ХАСАНБОЕВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ И МОЛЕКУЛЯРНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА
ГЕНЕТИЧЕСКИ КАРТИРУЕМЫХ ХРОМОСОМ-ЗАМЕЩЕННЫХ
ПОПУЛЯЦИЙ ХЛОПЧАТНИКА**

03.00.14 – Геномика, протеомика и биоинформатика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B78.

Диссертация выполнена в Центре геномики и биоинформатики.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Абдурахмонов Иброхим Юлчиевич
доктор биологических наук, академик

Официальные оппоненты:

Ризаева Сафия Мамедовна
доктор биологических наук, профессор

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт селекции,
семеноводства и агротехнологии возделывания
хлопка**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc. 29.08.2017.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-Юз. Актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-22-30, e-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за № ____). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-Юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2018 года)

А.А. Нариманов
Председатель научного совета по
присуждению учёных
степеней, д.с.х.н.

С.М. Набиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н.,
старший научный сотрудник

З.Т. Буриев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы глобальное изменение климата привело к расширению территорий, подверженных действию различных биотических и абиотических стрессов, что отрицательно сказывается на урожайности и качестве сельскохозяйственной продукции. В селекционных программах по хлопчатнику, являющемуся во всем мире одной из важнейших технических культур, очень остро стоит вопрос о переходе на быстро реализуемые технологии, обеспечивающие получение в сжатые сроки новых высокоурожайных, устойчивых к неблагоприятным факторам окружающей среды, сортов с высоким качеством волокна. Поэтому картирование локусов количественных признаков, регулирующих фенотипические признаки полигенной природы, и применение в хлопководстве технологии маркер ассоциированной селекции - одной из перспективных направлений современной селекции, является актуальной проблемой.

Средневолокнистый хлопчатник (*G.hirsutum* L.), на долю которого приходится порядка 95% мировых посевных площадей, занятых этой культурой, считается скороспелым и высокоурожайным растением. Тонковолокнистый хлопчатник (*G.barbadense* L.) дает самое качественное волокна, однако ввиду низкоурожайности и позднеспелости, этот вид рода *Gossypium* высеивается лишь на 3-5% площади под хлопчатник. С целью улучшения качества волокна средневолокнистого хлопчатника были проведены ряд работ по межвидовому скрещиванию *G.hirsutum* L. и *G.barbadense* L. и получению новых сортов. Тем не менее, такой путь создания новых линий и сортов чреват усложнением селекционного процесса в связи со свойственными для разных геномов межвидовыми несоответствиями, приводящими к нарушению сегрегации, ограниченной рекомбинации и стерильности потомства. В этом плане хромосом-замещенные (CS-B) линии средневолокнистого хлопчатника, несущие пару целой хромосомы тонковолокнистого хлопчатника, или парные фрагменты этой хромосомы, являются ценным материалом, позволяющим преодолеть проблемы межвидового скрещивания, происходящие на уровне полного генома.

В Узбекистане, благодаря мероприятиям, проводимым в области хлопководства, созданы новые скороспелые, высокоурожайные сорта данной культуры. Одновременно с этими достижениями в стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по “созданию новых селекционных сортов, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям”. Исходя из этих установок, выявление локусов количественных признаков, определяющих урожайность и качества волокна, на специально созданной, на основе CS-B

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от февраля 2017 г.

линий хлопчатника, популяции рекомбинантных инбредных линий, адаптированных к местным почвенно-климатическим условиям, и внедрение их в маркер ассоциированную селекцию, являющуюся на сегодняшний день одной из быстрых селекционных технологий, приобретает важное научно практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 15 сентября 2017 года УП № 3281 «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозированию производства продуктов сельского хозяйства», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП №4947 “О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан”, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В настоящее время во всем мире ДНК маркерная технология эффективно используется при изучении генома хлопчатника. В частности, в направлении, связанном с идентификацией локусов количественных признаков (QTL), определяющих качество волокна, плодотворно работали такие зарубежные ученые, как А. Reinisch (1994), J.M. Lacape (2003, 2005), X. Shen (2007), I.Y. Abdurakhmonov (2003), D.H. He (2007), J. Wu (2009), F.D. Sun (2012), Sh. Tang (2014), J.I. Said (2014), L. Shang (2016), M. Jamshed (2016), H. Wang (2016), D.X. Liu (2016), а также X. Fang (2017).

